

## Bibliografik roy'xat

1. Alyssa Newcomb (November 15, 2019). "Facebook, Google Crack Down on Fake News Advertising". NBC News. Retrieved March 29, 2019.
2. "Explained: What is Fake news? | Social Media and Filter Bubbles". *Webwise.ie*. June 21, 2018. Retrieved March 25, 2019.

# СИРОЖИДДИН САЙЙИД ШЕЪРИЯТИДА МУМТОЗ АДАБИЁТ АНЬАНАЛАРИ

К. А. Одилжонова

Талаба,  
Андижон давлат университети,  
Андижон, Ўзбекистон

---

**Summary.** This article analyzes the classical lyrical genres from the work of Sirojiddin Sayyid. In particular, the features of expressing themes and ideas, the writer's skills in such genres as gazal, muhammas, turtle, fard are highlighted.

**Keywords:** tradition; innovation; gazal; muhammas; tahmis; fard; turtlik; ruby; aruz; thematic composition.

---

Ҳозирги ўзбек шеърияти янги тамойиллар ҳамда ғоялар асосида ривожланишда давом этмоқда. Мазкур давр шеърияти поэтик янгиланишларни бошидан кечириш билан бирга мумтоз адабиётимиз анъаналари ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ғазал, рубоий, фард, муҳаммас, тўртлик каби мумтоз лирик жанрларида ҳам ижод қилиб келаётган шоирлардан бири Сирожиддин Саййиддир. Шоир ғазал ва муҳаммасларида, асосан, ишқий-интим ҳамда ижтимоий, фалсафий мавзу етакчилик қиласа, рубоий, тўртлик ҳамда фардларида мумтоз адабиётдаги ухровий мазмуннинг содда талқинини беришга интилади.

Маълумки, ғазал ягона вазнга эга бўлган қофиядош байтлардан таркиб топади. Биринчи байт (матлаъ) даги ҳар икки мисра қофиядош бўлади (а-а), кейинги байтларнинг иккинчи мисралари ана шу байтга қофиядош бўлиб келади (б-а, в-а, г-а). Ғазалда қофиядан (муқаффо ғазал) ташқари радиф ҳам ишлатилиши (мураддаф) мумкин. Бундай ғазалда қофиялар радифдан олдин келади. Ғазалнинг хотимавий байти мақтаъда шоирнинг тахаллуси келади [1, б. 287]. Лекин Сирожиддин Саййид ижодидаги ғазалларда тахаллус учрамайди. Бизнингча, бу ҳолатни замонавий ғазалчиликда ғазал сўнггида тахаллус қўйишга эҳтиёж қолмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Сирожиддин Саййид ижодида 40 га яқин ғазаллар мавжуд бўлиб, улардан 7 таси муқаффо ғазал, қолган барчаси мураддаф ғазал саналади. Шоир ўз ғазаллари билан замонавий ғазалнависликни янги босқичга кўтарди. У ўз ғазалларида анъанавий ишқий ҳамда тасаввуфий мавзуларни

ривожлантириди, салаф шоирларнинг ухровий мавзудаги фикрларини ривожлантирган ҳолда уларнинг янгича талқинини гўзал шаклларда беришга интилди. Шунингдек, шоир ижодида воқеабанд ғазаллар ҳам бўлиб, уларда “...кечинма бирон-бир воқеанинг мўъжаз баёни орқали ифодаланади”.

Мумтоз шеърият анъанасида ғазални номлаш, унга сарлавҳа қўйиш одат қилинмаган... Ғазал турлича, кўпинча матлаъси, илк мисраси, радифи, баъзан эса матлаъдаги илк сўзлар билан номланаверади. Сирожиддин Сайид ижодидаги ғазалларга ҳам айни шу хусусиятлар тегишли бўлиб, унинг айрим ғазаллари илк мисраси (“Дил букун, бошдин оёғим дил букун”), радифи (“Бўл””), баъзан эса матлаъдаги илк сўзлар (“Сочларинг тун ичра”) каби номланса, айрим ғазалларга “Кўҳна ғазал”, “Изҳор”, “Тижорат мулкида”, “Жону дилим”, “Шахр аро шарҳи дилим”, “Соқиёна” каби маҳсус сарлавҳа қўяди.

Аввало, лирик асарнинг матний (ташқи) қурилишида ҳам асосий ва ёндош матн (рамка унсурлари) фарқланади. Мисра ва бандларга бўлиниш асосий матнга тааллуқли бўлса, сарлавҳа, жанр қайди, эпиграф, бағишлоў, шеър ёзилган сана ва жой қайди рамка унсурларидир. Шоир ижодидаги ғазалларнинг аксариятида рамка унсурларидан жанр қайди, сарлавҳа, эпиграф, сана қайди учрайди. Жанр қайди шоирнинг шеърий тўпламларида “Ғазал машқи”, “Ғазал дафтари” каби номланган бўлим сарлавҳаларида ўз аксини топади. Бўлим номидан тўпламнинг бу қисмига ғазал жанридаги лирик асарлар киритилганини англаймиз. Ғазаллардаги сарлавҳа ғазал мавзуси ва ғоясини тушунишга калит вазифасини ўтаса, сарлавҳасиз ғазалларда бу вазифани илк мисра бажаради. Сирожиддин Сайид ғазаллари сўнггида сана қайдини қўяди. Тўпламдаги сана қайдларидан шоир 1985-йилдан 2013-йилларда ғазаллар яратганлигини англашимиз мумкин.

Сирожиддин Сайид ижодида бағишлоў (“Мир Алишер”, “Ҳайит ғазали”, “То Навоий бор...”), соф ишқий (“Инжа, нозик хол тушибдир...”, “Эски ташбех”), тасаввуфий (“Соқиёна”), ухровий мавзудаги ғазаллар ҳамда сатирик ғазаллар (“Бўл!”) учрайди. Сирожиддин Сайиднинг тасаввуфий мавзудаги ғазалларида Шарқ адабиётидаги тасаввуфнинг содда талқинини кузатсак, шоирнинг сатирик ғазалларида бошидан охирига қадар аччиқ киноя орқали жамиятдаги лаганбардорлик, мансабпарастлик, худбинлик каби иллатлар танқид қилинади. Сирожиддин Сайид ухровий мавзудаги ғазалларида дунёнинг ўткинчилиги, умрнинг ғанимат эканлиги ҳақидаги фикрлар лирик субъект кечинмалари ва ўй-фикрлари орқали берилади.

Сирожиддин Сайид мумтоз лирик жанрларда ижод қиласи, биринчидан, мумтоз адабий анъаналарни давом эттириди, иккинчидан, мумтоз адабиётимиздаги анъанавий поэтик образларга новаторона ёндашиб, уни янги мазмун билан бойитди.

## Библиографик рўйхат

- Сирожиддин Сайид. “Хамса” ҳайратлари”. – Т.: Sharq, 2016. – 112 б.
- Сирожиддин Сайид. Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом. – Т.: Faafur Fulom nomidagi нашриёт матбаа ижодий уйи, 2015. – 248 б.

## НОТИҚЛИКДА РИТОРИК АСПЕКТ МУАММОЛАРИ

Л. И. Хуррамова

*Magistr,*

*O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti,  
Toshkent, O'zbekiston*

---

**Summary.** This article is devoted to the importance of the rhetorical aspects of speech culture, in which the teacher must have a speech culture, as well as the meaning of the concept of speech culture.

**Keywords:** speech technique; written speech technique; teacher's voice; teacher pronunciation; teacher diction.

---

Ўқитувчининг нутқ техникаси билан боғлиқ нуқсонлардан бири – нутқ темпи, тезликни тўғри белгиламаслийк ёки тезлик секинликнинг мақсадга кўра мўтадиллигини сақлай олмаслигидан иборат. Нутқнинг темпи баён қилинаётган материалнинг моҳиятига ифодаланаётган фикр структурасига уйғун бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи материални фақат жадал темпда баён қилса, ўқувчи ахборотни ўзиники қилиб олишга, ахборот таркибидаги мухим жиҳатларни ўз вақтида илғашга, уни идрок этишга қийналади. Яъни, ўқувчининг идрок сурати ўқитувчининг нутқ тезлигидан орқада қолади. Нутқ техникасида дикция масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир товуш сўзнинг тўғри ва аниқ талаффуз қилиниши нутқ оқимида сўз шакллари ва гапларнинг чайналмаслиги ўқитувчи нутқи учун жиддий талаблардандир. Нотўғри ёки ноаниқ талаффуз қилинадиган товушнинг ҳосил бўлишида турли машқлар яхши ёрдам беради. Масалан, тез айтишлар, мақол ва маталларни овоз чиқариб тақорорлаш ва бошқалар. Ўқитувчи ўзининг нутқ техникасини такомиллаштириш борасида доимий қайғуриши, фонетика ва фонологияга эътиборлироқ бўлиши керак. Нутқ техникасиз ўқитувчининг оғзаки нутқ маданиятини мақсадга мувофиқ деб бўлмайди.

Нутқ маданияти – муайян бир халқ маданиятининг ушбу халқ тилидаги акси ва ифодасидир. Ушбу тушунча борасида турли хил қараш ва изоҳлар мавжуд бўлса-да, энг аввало, нутқ маданияти грамматик жиҳатдан тўғри гап тузиш, хатосиз сўзлаш, тушунарли ва равон фикр юритиш деб талқин этилади. Нутқ маданиятининг меъёрийлик, этик (ахлокий), коммуникатив [1] ва риторик аспектлари мавжуд бўлиб, улар ўзига хос жиҳатларга эгалиги билан характерланади. Тилда меъёр билан боғлиқ қоидаларга риоя қилиш, нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, тозалиги,